Маълумки республикада мавжуд ҳамда қурилиши режалаштирилаётган бино ва иншоотлар энергия таъминоти тизимларининг камида 30% қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан қоплаш масаласи давлатимиз раҳбари томонидан 16.02.2023 йилда имзоланган ПҚ-57-сон Президент Қарорида ўз аксини топган. Республикамиз олим ва муҳандислари томонидан бино ва иншоотларни энергиясамарадор ва қуёш технологиялари асосидаги иситиши ва совутиши тизимларини қўлаш имкониятлари илмий асосланган, бироқ соҳада биноларда энергия сарфини бошқариши учун зарур меъёрий ҳужжатлар етарли эмас, бунинг учун эса мавжуд меъёрий ҳужжатларга, ШНҚ ва стандартларга асосли ўзгартиришлар киритилиши лозим. Жумладан “Пассив турар-жой бинолари” ШНҚ да ҳудудлар ўзига хос биоиклим зоналарига ажратилган бўлса-да, биоиклим шароити асосида биноларда энергия сарфини бошқариши учун мослаштириш бўйича сценарийлар ишлаб чиқилмаган ва келтирилмаган. Ҳалқаро тажрибада бино ва иншоотларнинг иситиши (совутиши) ва иссиқ сув таъминоти тизимларида фақатгина қуёш технологияларини қўлаш ҳисобига энергия сарфини 60% га камайтиришига эришиши кузатишган. Бу кўрсаткичларга эришиши учун ҳудудларнинг биоиклимий шароитларини ҳисобга олган ҳолда биноларни табиий иситиши ва совутиши билан таъминлаш мақсадида бино ичидаги қулай ҳароратни баҳолашга асосланган ва архитектуранинг иқлимга мослаши учун пассив лойиҳалаш стратегиялари таклиф қилинмоқда. Мазкур мақолада Пассив лойиҳалаш стратегияси воситаси сифатида Givoni диаграммаси (биоиклимий харита) талқини келтирилган ва Фарғона шаҳри мисолида ҳудуд олти иқлим зонасига: термал қулайлик, табиий шамоллатиш, юқори масса, тунги вентиляция билан юқори масса, буғланиши совутиши ва пассив иситиши ажратилган. Шунингдек, Givoni диаграммасидаги психрометрик катталикларни аниқлашнинг ўзига ҳос соддалаштирилган усули таклиф этилган.

Калит сўзлар: пассив биноларни лойиҳалаш стратегиялари, иқлимий ва актинометрик маълумотлар, биоиклимий зона, биоиклимий кўрсаткичлар, Givoni диаграммаси, пассив қуёший иситиши, буғланиши ҳисобига совутиши, табиий шамоллатиши зонаси, қулайлик зонаси, сунъий интелект, энергия сарфини бошқариши.

В соответствии с Указом Президента № УП-57 от 16.02.2023 в республике была выдвинута проблема обеспечения энергетическими ресурсами зданий и сооружений, включая уже существующие и планируемые к строительству, с

использованием энергии не менее 30% от возобновляемых источников энергии. Несмотря на проведенные учеными исследования, демонстрирующие перспективы применения энергоэффективных и солнечных технологий для систем отопления и охлаждения зданий, требуется внести соответствующие изменения в действующие нормативные документы, СНиПы и стандарты по части энергопотребления в зданиях. Несмотря на то, что в ШНК «Пассивные здания: жилые» регионы классифицированы по биоклиматическим зонам, аналогичные сценарии адаптации для управления энергопотреблением зданий, основанные на биоклиматических условиях, отсутствуют. Мировой опыт показывает, что использование солнечных технологий в системах отопления, охлаждения и горячего водоснабжения зданий может существенно снизить энергопотребление от энергосистем до 60%. В данной статье предлагается возможность использования диаграммы Givoni (биоклиматическая карта) в качестве инструмента пассивного проектирования. Определены шесть климатических зон для города Фергана: зона комфорта, зона естественной вентиляции, зона испарительного охлаждения, высокая тепловая масса, высокая тепловая масса и ночная вентиляция, пассивное отопление. В статье предложен уникальный упрощенный метод определения психрометрических параметров на диаграмме Givoni.

Ключевые слова: стратегия проектирования пассивных зданий, климатические и актинометрические данные, биоклиматические зоны, биоклиматические показатели, диаграмма Givoni, пассивное солнечное отопление, испарительное охлаждение, зона естественной вентиляции, зона комфорта, искусственный интеллект, управление энергопотреблением.

It is well-known that the issue of supplying buildings and facilities in the republic, both existing and planned for construction, with at least 30% of their energy needs from renewable sources, was addressed in the Presidential Decree No. PD-57 signed on February 16, 2023. Scientists and engineers in our republic have scientifically substantiated the possibilities of applying energy-efficient and solar technologies for heating and cooling systems in buildings. However, the field lacks sufficient regulatory documents for managing energy consumption in buildings, necessitating amendments to existing norms, building codes, and standards. Although the "Passive residential buildings" Building Code divides regions into specific bioclimatic zones, scenarios for adapting energy management in buildings based on bioclimatic conditions have not been developed or presented. International experience shows that the use of solar technologies in heating (cooling) and hot water supply systems of buildings and facilities can reduce energy consumption by 60%. To achieve these indicators, passive design strategies based on assessing comfortable temperatures inside buildings and considering the bioclimatic conditions of regions are proposed, aimed at providing natural heating and cooling of buildings. This article presents the use of the Givoni diagram (bioclimatic map) as a tool for passive design and identifies six climate zones in the city of Fergana: thermal comfort, natural ventilation, high mass, night ventilation with high mass, evaporative cooling, and

passive heating. Additionally, a unique simplified method for determining psychrometric properties on the Givoni diagram is proposed.

Keywords: *passive building design strategies, climatic and actinometric data, bioclimatic zone, bioclimatic indicators, Givoni diagram, passive solar heating, evaporative cooling, natural ventilation zone, comfort zone, artificial intelligence, energy management.*

Кириш. Ҳозирги даврда дунё Париж келишувига риоя қилиш ва углерод чиқиндиларини камайтириш учун қайта тикланадиган энергия манбаларига фаол ўтмоқда [1]. Ушбу қадам, шунингдек, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга, хусусан, арзон ва барқарор энергиядан фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Глобал энергия истеъмолнинг ўсишига қарамай, сўнгги 30 йил ичида углеродсиз энергия улуши 17-21% даражасида қолмоқда [2-4]. Иқлим шароити айниқса, иссиқлик инсон ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳарорат, намлик ва шамол каби омилларни ҳисобга олган ҳолда биоиклимий кўрсаткичлар қулай яшаш шароитларини аниқлашда асосий рол ўйнайди. Географик маълумотлар ва сунъий интеллект воситаларидан фойдаланган ҳолда иқлим ўзгаришининг биоиклимий шароитларга таъсирини ўрганиш самарали қурилиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу, айниқса, мамлакатнинг турли минтақаларида иқлим шароитининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, биоиклимий кўрсаткичларни баҳолаш ва уларни қурилишда қўллашга мажмуавий ёндашув, аҳолининг яшаш шароити ва ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилаши, минтақада ва умуман дунёда барқарор ривожланишга ҳисса қўшиши мумкин.

Маълумки, ҳозирда республика ҳудудлари шаҳарларида кишнинг қаҳратон совуқ ва ёзнинг жазирама иссиқ кунларида бино ва иншоотларда тартибсиз ва меъёридан ортиқча энергия ресурсларини сарфлаш натижасида ҳамда қурилиш ишларини мавжуд кўрсатилган инфраструктуравий тузилма (энергия тизимлари ва тармоқлари) юқламалари кўрсаткичларининг қўпол бузилши натижасида (ичимлик суви, иссиқ сув ва канализация, иситиш тизимлари, электр ва газ таъминоти) тизимда йирик микёсда бино ва иншоотлар энергия тармоқларида узилишлар содир бўлишига сабаб бўлиб келмоқда [5-7].

Мунтазам иқлим ўзгаришлари шароитида Пассив ривожланиш стратегиялари ўзининг узоқ муддатли ва барқарор таъсири билан ажралиб туради. Табиий жараёнлар ва ресурслардан фойдаланган ҳолда бундай ёндашувлар иқлимга салбий таъсирни камайтириш учун ишончли ечимларни тақдим этади. Пассив ривожланиш стратегияларининг асосий афзалликларидан бири бу иқлим ўзгаришларига мослашув учун интеграциялашган ёндашувдир, бу ерда иқлимга чидамли архитектура ва бошқа табиий жараёнлардан фойдаланилади [5,7].

Қуёш радиацияси, ҳарорат, намлик, ёғингарчилик ва шамол тезлиги ҳақидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда, биоиклимий шароитлар асосида ҳудудларнинг такомиллаштирилган қулайлик биоиклим зоналари модели яратилади [8-10]. Ушбу моделлар биноларнинг энергия самарадорлигини оптималлаштириш, сунъий иситиш ва совутишга бўлган эҳтиёжни камайтириш учун асос бўлади. Бунда тўлиқ ва қисман

кулай иситиш шароитлари бўлган ойлар, шунингдек, юқори ҳарорат ва намликда табиий шамоллатишнинг аҳамияти таҳлил қилинади. Шу билан бирга, баҳолаш бино ички ҳароратини махсус тартибга солишни талаб қиладиган юқори иссиқлик массаси бўлган ёзги даврларни таҳлил қилишни ўз ичига олади. Шунингдек, пассив иситиш ва совутиш тизимини қўллаш мумкин бўлган иситиш (совутиш) мавсуми ҳам алоҳида таҳлил қилинади [8-10].

Мавжуд ёндашувлар. ASHRAE томонидан ўрнатилган кулай (комфорт) ҳудуд кўрсаткичини аниқлашда, инсонларнинг турли иқлим шароитларига индивидуал мослашувини ҳисобга олмайдиган статистик ёндашувни қўллайди [8]. Тадқиқотлар шунини кўрсатадики, кондиционерсиз табиий шамоллатиладиган биноларда яшовчи одамлар, ёз кунда ҳароратнинг ўзгаришига кўпроқ мослашади [9]. Инсон атроф муҳитнинг қулайлик ҳиссини сезишига географик фарқлардан ташқари, бошқа омиллар ҳам таъсир қиладди. MacPherson қулайлик ҳиссига таъсир қилувчи 6 та асосий омилни аниқлади, жумладан, ҳаво оқими тезлиги, ўртача радиация ҳарорати, метаболик ритм, ҳарорат ва намликдан ташқари кийим даражаси [10]. У 19 та кўрсаткичдан иборат бўлган кўп ўлчовли қулайлик шкаласини таклиф қилди, уларнинг ҳар бири ушбу омиллардан бирини акс эттиради. Fanger таклиф этган кенг қамровли модел атроф-муҳит ўзгарувчанлиги, фаоллик даражаси ва кийимни ҳисобга олади [11]. Ушбу модел барқарор шароитда университет муҳитида ёшлар билан тажрибада синовдан ўтказилди. Fanger томонидан тахмин қилинган ўртача балл (ПМВ) иссиқлик қулайлигини босқичма-босқич ифодалаш учун ASHRAE шкаласига ўхшаш, лекин 1 дан 7 гача бўлган ASHRAE шкаласидан фарқли ўлароқ 3 дан 3 гача бўлган етти балли шкаладан фойдаланади. Ушбу моделда, 6 та қулайлик омили 7 талик шкала даражаси билан боғлиқ бўлиб, унда “Башорат қилинган ўртача балл” омили маълум бир муҳитда ўзларининг термал қулайликларини ифодаловчи катта аҳоли сони томонидан баҳоланган балларнинг ўртача башоратини ифодалайди.

Иситиш ва совутиш юкламалари билан боғлиқ бўлган даража-кун усули вақт бўйича йиллик йиғинди ҳарорат сифатида аниқланади [12]. Ушбу усул ички ҳароратининг мувозанат нуқтасини ўрнатади ҳамда иситиш ва совутиш учун даража-кун қийматларини бериб, бу ҳарорат ва йил давомидаги ўртача кунлик ташқи ҳарорат ўртасидаги фарқни ҳисоблаб чиқади. Бу, айниқса, битта ҳудудда йиллик юкламаларни солиштириш учун фойдалидир.

Оlгуау диаграммаси ўртача даражадаги қалинликдаги кийим-кечакларга эга одамлар яшовчи ички муҳитлар учун 20 дан 30°C гача бўлган доимий қулайлик даражасини назарда тутадиган моделдир [13]. У ўртача радиация ҳарорати ва шамол тезлиги каби иқлимий омилларни, шунингдек, ижтимоий мослашувни бирлаштирган қулайлик зонасининг марказий қийматларини ҳисобга олади. Қулайлик зонасининг пастки чегарасидан 10°C гача бўлган ҳароратда қулайликни сақлаб қолиш учун қуёш нурланишидан фойдаланиш керак. Худди шундай, зонадан 10°C юқори ҳароратда шамол тезлиги ҳароратнинг ошишини баргараф этишга ёрдам беради. Буғланишли совутиш ҳам юқори ҳароратларда ва паст намликда қулайликни сақлаш учун ишлатилади. Бирок, Оlгуау диаграммаси чекланган, чунки у асосан ички ва ташқи

шароитлар ўртасидаги фарқ минимал бўлган иссиқ, нам иқлим учун қўлланилади ва физиологик жиҳатларни ҳисобга олмайди [12].

Машҳур биоиклим диаграммаларидан яна бири Givoni диаграммаси ҳисобланади [9,14]. Бу ҳарорат амплитудаси ва ташқи ҳавонинг сув буғлари босими ўртасидаги чизикли муносабатга асосланган. Givoni диаграммаси ташқи иқлим шароитига қараб мос совутиш усулини аниқлайди. Givoni диаграммаси олти зонани аниқлайди: термал қулайлик, табиий шамоллатиш, юқори масса, тунги вентиляция билан юқори масса, буғланишли совутиш ва пассив иситиш.


Givoni диаграммаси. Биноларни пассив лойиҳалаш стратегиялари иқлим шароитларидан келиб чиқилади, чунки у айнан иқлим шароитлари ва қулай шароитлар орасидаги фарқ, шунингдек бу фарқнинг сабаблари биноларни лойиҳалашда мос келувчи чораларни кўриш заруратини юзага келтиради. Бунда мақсад иситиш ёки совутишнинг сунъий тизимларидан фойдаланмасдан мавжуд фарқни имкон қадар камайтиришдир. Пассив лойиҳалаш стратегияларини ишлаб чиқишнинг бир воситаси Givoni диаграммаси (биоиклимий харита) бўлиб, у бино ичидаги қулай ҳароратни баҳолашга асосланган ва архитектурани иқлимга мослаш учун лойиҳалаш стратегияларини таклиф қилади [9, 14]. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Givoni биоиклимий харитасининг асоси сифатида психрометрик диаграмма ишлатилади, унда муайян ҳудуд учун ҳарорат ва намлик маълумотлари (ойлик, кундалик ёки соатлик) кўрсатилган. Givoni биоиклимий харитасидан фойдаланишнинг энг ишончли усули – бу унга ҳар соатдаги маълумотларни қўйишдир, чунки ўртача кунлик ва ойлик қийматлар аслида ҳарорат ва намликни жуда катта даражада мувофиқлаштиради ва энг ноқулай шароитлар ҳатто тез-тез бўлса ҳам қайд этилмайди. Масалан, кунлик катта ўзгаришлар билан иқлимда ҳарорат ва намликнинг ўртача кунлик ёки ойлик қийматлари аслидаги иқлим шароитларини нотўғри акс эттиради, бу эса кейинги қулайлик даражаси ва шунга мувофиқ лойиҳалаш стратегияларига таъсир қилади. Givoni биоиклимий харитаси ташқи ҳаво иқлим шароитига қараб мос равишда совутиш ёки иситиш усулини аниқлайди.

Givoni диаграммасининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар маълум иқлим шароитларига мослаштирилган ва кўплаб стратегияларни ўз ичига олади. Иқлим маълумотлари базаси билан биргаликда, диаграмма ҳарорат ва намлик қийматларини графикда кўрсатиб, энг яхши стратегияларни таклиф қилади ва ҳар бир стратегия учун мувофиқ қулай шароитларни яхшилашни кўрсатади. Givoni диаграммасида пассив лойиҳалаш стратегиялари учун олти зона белгиланган (1-расм):

1. Қулайлик зонаси;
2. Табиий шамоллатиш зонаси;
3. Буғланиш орқали совутиш зонаси;
4. Юқори иссиқлик массаси;
5. Юқори иссиқлик массаси ва тунги шамоллатиш;
6. Пассив иситиш.

Givoni's bioclimatic chart

1. Comfort zone
2. Natural ventilation zone
3. Evaporative cooling zone
4. High thermal mass
5. High thermal mass and night ventilation
6. Passive heating



1-расм. Givoni диаграммасига асосан тузилган биоиклимий зоналар

Иқлим маълумотлари (атроф-муҳит ҳарорати ва нисбий намлик) диаграммага бевосита қўйилиши мумкин, бу орқали шартларнинг диаграмманинг қайси олти зонасига тушишини текшириш мумкин. Зоналар диаграммада куйидаги шартлар асосида белгиланади.

1. *Қулайлик зонаси:* Бу зонада белгиланган шартларда одам бино ичида термал қулайлик шароитида бўлиши кўзда тутилади. Термал қулайлик шароити одатда турлича нисбий намлик чегараларида (20% дан 80% гача) ва ҳаво ҳароратида (20°C дан 26°C гача) бўлиши мумкин. Агар бино ичидаги ҳаво ҳарорати 20°C га яқинлашса, шамол таъсирини олдини олиш керак, чунки бу ноқулайликни келтириб чиқариши мумкин. Ҳаво ҳарорати 26°C га яқинлашганда, бинога куёш нурларининг кириб келишини назорат қилиш керак, чунки бу ортикча исиб кетишга олиб келиши мумкин.

2. *Табиий шамоллатиш зонаси:* Агар бино ичидаги ҳарорат 26°C дан ошса ёки нисбий намлик етарлича юқори бўлса, табиий шамоллатиш термал қулайликни яхшилашга ёрдам бериши мумкин. Бино ичидаги ҳаво тезлигининг максимал рухсат этиладиган тезлиги тахминан 2 м/с ни ташкил қилади, шу тариқа шамоллатиш ташқи ҳаво ҳароратининг чегара қиймати 32°C гача бўлган қулайликни сақлаб туради. Агар ҳарорат 26°C дан анча ошса ва нисбий намлик 50% дан паст бўлса, кечқурунги совитиш кундузги шамоллатишдан кўра самаралироқ бўлиши мумкин. Бундай шароит иссиқ курғоқчил худудларда содир бўлиши мумкин, у ерда кундузги ҳарорат 30°C дан 36°C гача, аммо кечки ҳарорат 20°C дан паст бўлади. Бу шароитларда кундузги шамоллатиш мос келмайди, чунки бу бинонинг ортикча исишига олиб келади. Энг яхши стратегия – кундузги вақтда шамоллатишни чеклаш, бу орқали

АЛЬТЕРНАТИВНЫЕ И ВОЗОБНОВЛЯЕМЫЕ ИСТОЧНИКИ ЭНЕРГИИ

иссиқ ҳавонинг киришини камайтириш ва кечки шамоллатишдан фойдаланиб, салкинроқ ҳаво ёрдамида бино ичини совитишдир.

3. *Бугланиш орқали совитиш*: Ушбу усул ҳаво ҳароратини пасайтириши ва бир вақтнинг ўзида яшаш жойининг нисбий намлигини ошириши мумкин. Бугланиш орқали ички маконларни бевосита совитиш учун яхши шамоллатиш зарур, чунки бу сув буғи тўпланишининг олдини олиш учун керак. Бугланиш орқали совитиш жараёнида ҳам ҳарорат, ҳам ҳаво намлиги доимий нам ҳарорат қиймати ва энталпияга мувофиқ ўзгаради. Иссиқлик миқдори ўзгармайди ва энергия фақат сезиларли энергиядан яширин энергияга айланади.

4. *Юқори иссиқлик массаси*: Бинонинг юқори иссиқлик массасидан фойдаланиш, ички хона ҳароратининг ташқи маконга нисбатан тебранишларини камайтириши мумкин, бу эса юқори ҳарорат чўққиларини пасайтиради. Бу ечим ҳарорат ва нисбий намлик иссиқлик массаси зонаси чегараларида бўлган жойларда муваффақиятли қўлланилиши мумкин. Ички макон ҳароратининг тенглаштирилиши куйидаги сабабларга кўра юз беради:

- Кун давомида бино конструкциясида тўпланган иссиқлик кечкурун, ташқи ҳаво ҳарорати пасайганда ички хонага чиқарилади;

- Бунга қўшимча равишда, иссиқлик конструкцияси кечаси совитилади ва куннинг катта қисми давомида салкин бўлиб қолади, бу эса кундузги ички макон ҳароратини пасайтиради. Қобикнинг иссиқлик массасидан фойдаланишдан ташқари, ернинг иссиқлик массасидан ҳам фойдаланилиши мумкин.

5. *Юқори иссиқлик массаси ва тунги шамоллатиш*: Иссиқлик массаси тунги шамоллатиш билан биргаликда пассив совитишни таъминлаш учун ишлатилиши мумкин. Кечаси ташқи ҳаво бино бўйлаб айланиб, қурилиш материалларини совитади. Конструкцияда сақланган совуқ масса кейинги кун учун иссиқлик чиқаришни қоплаш ва ҳароратни қулай чегараларга яқинроқ сақлаш имконини беради. Тунги шамоллатиш иссиқ-қуруқ иқлимда энг самарали бўлиб, у ерда суткалик ҳароратнинг фарқи катта ва кечкурун ҳарорати 20°C дан пастга тушади. Иссиқлик массаси ва тунги шамоллатиш механик совитишга бўлган эҳтиёжни камайтириш ёки бартараф этиш учун ишлатилиши мумкин. Бу ечим ҳарорат ва нисбий намлик шартлари ушбу зона чегараларида бўлган жойларда қўлланилади.

6. *Пассив қуёшлий иситиш*: Пассив қуёшлий иситиш энг совуқ мавсумда қуёшга қаратилган мос ўлчамдаги ойналар билан қурилган бинолар учун мос келади, бу ерда мавсумий ҳаво ҳарорати 20°C дан паст. Бинода иссиқлик йўқотилишининг олдини олиш учун иссиқлик ҳимоя қатламларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Психрометрик жадвал ҳисоб-китоблари. Психрометрик жадвални ишлаб чиқишда ишлатилган тенгламалар ҳаво-буғ аралашмасининг идеал газларга яқинлигига асосланган [15-18]. Бу аппроксимацияда, атроф-муҳит ҳавоси икки асосий компонентлар аралашмаси сифатида кўрилади: қуруқ ҳаво ва сув буғи. Бу аралашманинг термодинамик хусусиятлари икки бошқа хусусиятлар билан белгиланиши мумкин. Лекин тенгламаларнинг бу параметрлар билан ўзаро боғлиқлигининг юқори нозиклиги сабабли, сонли усуллар психрометрик ҳисоб-китобларни бажаришда қўл келади. Кейинги функциялар тўплами абсолют

намлик (d : кг H_2O /кг курук ҳаво)га нисбатан курук термометр температураси (T : °C) асосида чизилади. Бу функцияларнинг тартиби ихтиёрий, ҳар бир функция алоҳида $d = f(T)$ нукталар тўпламидир, яъни, ҳар бир функция $d = f(T)$ сифатида аналитик ёки сонли равишда ифодаланиши мумкин.

Биринчи навбатда, хона ички температураси ($t_{ич}$) аниқланади, у эса ўз навбатида ташқи ҳаво температураси (t_0 – курук термометр температураси) ва ҳавонинг нисбий намлиги (φ)га боғлиқ ҳолда ҳисобланади:

$$t_{ич} = t_0 + \frac{5}{9} \left(6.112 \cdot \varphi \cdot 10^{\frac{7.5 \cdot t_0}{235 + t_0}} - 10 \right). \quad (1)$$

Ордината ўқига жойлаштирилладиган абсолют намлик d асосан сув буғининг парциал босми ($P_{сб}$)га боғлиқ бўлиб, у қуйидагича аниқланади:

$$d = \frac{0.6221 \cdot P_{сб}}{P - P_{сб}}, \quad (2)$$

ёки,

$$d = \frac{0.6221 \cdot \varphi \cdot P_{сб}}{P - P_{сб}}, \quad (3)$$

бу ерда, P -атмосфера босми (Па), φ -ҳавонинг нисбий намлиги (%).

Ўз навбатида $P_{сб}$ ни t_0 га боғлиқ ҳолда қуйидагича аниқлаш мумкин [18].

$$P_{сб} = 610,48 \cdot \varphi \cdot 10^{\frac{7.5 \cdot t_0}{235 + t_0}}. \quad (4)$$

Шудринг нуқтаси ҳарорати ($t_{шн}$) ҳам ҳавонинг ҳолат параметрларидан бири бўлиб, у (3) ва (4) ифодалар устида бир нечта амалларни бажаришдан сўнг ҳосил бўлган қуйидаги ифода орқали ҳисобланади:

$$t_{шн} = 235 \cdot \frac{lg\varphi + \frac{7.5 \cdot t_0}{235 + t_0}}{7.45 - (lg\varphi + \frac{7.5 \cdot t_0}{235 + t_0})}. \quad (5)$$

Энталпия i (кЖ/кг) ни ҳам t_0 ва d орқали аниқлаш мумкин:

$$i = 1.006 \cdot t_0 + d \cdot (2501 + 1.86 \cdot t_0); \quad (6)$$

ёки, (2) ифодани (6) ифодага қўйилса, қуйидаги ифодани оламиз:

$$i = 1.006 \cdot t_0 + 0.6221 \cdot (2501 + 1.86 \cdot t_0) \cdot \left(\frac{P}{P_{сб}} - 1 \right)^{-1}. \quad (7)$$

Нам термометр кўрсаткичи $t_{нт}$ ни (6) ифодадан фойдаланган ҳолда атмосфера босми $P=715$ мм.сим.уст. га тенг бўлган ҳолат учун қуйидаги аппроксимацион формула ёрдамида аниқланади:

$$t_{нт} = \begin{cases} -9.3542 + (0.0016 + 0.0199 \cdot A) \cdot A, & \text{агар } 10 \leq i \leq 37 \\ -30.8238 + 1.3051 \cdot A, & \text{агар } 37 \leq i \leq 112 ; \\ -26.1548 + 1.2081 \cdot A, & \text{агар } 112 \leq i \leq 175 \end{cases} \quad (8)$$


бунда $A = \sqrt[3]{i}$.

Олинган ҳар бир ифодани t_0 ва φ функцияси сифатида ифодаланган ҳолда Newton-Raphson сонли ечиш усулидан фойдаланган ҳолда, 1-расмда келтирилган диаграмма ўқларидаги катталикларни аниқлаш мумкин [19, 20].

Олинган натижалар таҳлили. Мазкур тадқиқот ишида, республика ҳудудларидан Фарғона вилояти, Фарғона шаҳрида жойлашган метеорологик станциянинг 2005-2022 йиллар ораллигидаги иқлимий ва актинометрик кузатувлари

АЛЬТЕРНАТИВНЫЕ И ВОЗОБНОВЛЯЕМЫЕ ИСТОЧНИКИ ЭНЕРГИИ

маълумотлари таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан фойдаланган [21] ҳолда, минтақада Givoni диаграммасини шакллантириш учун биоқлимий зоналари харитаси лойиҳаси ишлаб чиқилди (2-расм.)



2-расм. Фарғона шаҳри биоқлимий зоналари харитаси лойиҳаси

2-расм таҳлили шуни кўрстадики:

1. Фарғона шаҳри учун қулайлик зонаси йилнинг май ва сентябр ойларини тўлиқ ва шунингдек, қисман июн, июл, август ойларини қамраб олади, бунда инсон бино ичида иссиқлик қулайлиги ҳолатида бўлади.

2. Фарғона шаҳри учун табиий шамоллатиш зонаси қулайлик зонасига ўхшайди, агар хона ҳарорати 26°C дан ошса ёки нисбий намлик етарлича юқори бўлса, табиий шамоллатиш термал қулайликни яхшилаши мумкин. 2-расмдан кўришиб турибдики, табиий шамоллатиш йилнинг июн, июл ва август ойларининг баъзи кунларига тўғри келади.

3. Givoni диаграммаларида кўрсатилганидек, Фарғона шаҳри учун буғланиш соғутиш зонаси йилнинг июн, июл ва август ойларининг алоҳида кунларини ўз ичига олади, бу ерда яшаш жойида нисбий намлик пасаймаслиги учун буғланиш йўли билан соғутиш талаб этилади.

4. Фарғона шаҳри учун юқори иссиқлик массаси бўлган даврлар, республиканинг барча вилоятлари сингари, йилнинг июн, июл ва август ойларидир.

5. Тунги шамоллатиш талаб қилинадиган юқори иссиқлик массаси бўлган даврлар (тунги ҳарорат 20°C дан пастга тушиш ҳолати) йилнинг июн, июл ва август ойларининг баъзи кунларига тўғри келади.

6. 2-Расмда келтирилган шаклдан кўриниб турибдики, пассив куёш иситиш тизимларидан фойдаланиш учун самарали ойлар 15 октябрдан 30 ноябргача ва 1 мартдан 15 апрелгача бўлган даврда, шунингдек қисман декабр, январ ва феврал ойларини ўз ичига олади (Saligheh, M. 2004), (Авезов, Р.Р. ва бошқ. 2012) [15-18].

Пассив иситиш зонасида жойлашган биноларни тўғри лойиҳалаш ва қуриш орқали қиш ойларида анъанавий иситиш тизимларидан фойдаланмасдан қулай шароитларни таъминлаш мумкин, бу эса ўз навбатида энергияни сезиларли даражада тежашга ва иссиқхона газлари чиқиндиларининг камайишига олиб келиши мумкин. Баъзи кунларда совуқ кечалар туфайли пассив тизимга фаол иситиш элементларини қўшиш лозим бўлади, лекин умуман олганда, қиш ойларида пассив тизимнинг ўзи қулай ҳолатни таъминлайди.

Совуқ мавсумда биноларни самарали пассив иситишни таъминлаш учун иссиқликни тўплаш ва ушлаб туришга қодир бўлган тош ва бетон каби конструктив элементлар ва материаллардан фойдаланиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, бино архитектурасини режалаштиришда куёш нуридан тўғридан тўғри фойдаланиш миқдорини ошириш учун деразаларнинг тўғри йўналиши ва жойлашишини, шунингдек иссиқлик йўқотилишини камайтириш учун юқори сифатли иссиқлик химоя қатламларидан фойдаланишни ўз ичига олиши лозим. Бундан ташқари, шамоллатиш тизимига ақлли ёндашув, иссиқликни сақлаш ва ички ҳавонинг яхши сифатини таъминлаш имконини беради.

Хулоса. Фарғона шаҳрининг иқлим шароити таҳлили бир қанча муҳим жиҳатларни очиб беради ва шу асосда қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

- йилнинг май ва сентябр ойларида термал қулайликнинг мақбул шартлари устунлик қилади, ёз ойлари (июн, июл, август) қисман қулайлик билан ажралиб туради, бу минтақа иқлимининг мавсумий ўзгарувчанлигини кўрсатади;

- табиий шамоллатиш, айниқса 26°C дан юқори ҳароратларда ва юқори намликда муҳим аҳамиятга эга ҳамда ёз ойларида самарали бўлади. Шунингдек, тадқиқотлар қулай намликни сақлаб қолиш учун ёзнинг маълум кунларида буғлатиб совутиш зарурлигини таъкидлайди;

- ёз ойларида ички ҳароратни тартибга солишга алоҳида ёндашувни талаб қиладиган юқори иссиқлик массаси бўлган даврларга эътибор қаратилади;

- таҳлил шуни кўрсатадики, пассив куёш иситиш 15 октябрдан 30 ноябргача ва 1 мартдан 15 апрелгача, шунингдек қисман қиш ойларида самарали бўлиб, муқобил иссиқлик манбасини таъминлайди.

Ва ниҳоят, тадқиқот пассив иситиш тизимларида тош ва бетон каби иссиқликни сақлашга қодир бўлган таркибий элементлардан фойдаланиш муҳимлигини таъкидлайди. Бунга куёш нурланишини ва юқори сифатли иссиқлик химоя қатламларидан фойдаланишни максимал даражада ошириш учун меъморий режалаштириш киради, бу энергия самарадорлигига ҳисса қўшади ва анъанавий иситиш тизимларига боғлиқликни камайтиради.

Юқорида айтиб ўтилганларни иқлим ўзгаришининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда мамлакат минтақаларидаги биоиклимий шароитларни ўрганиш доирасида биноларни лойиҳалашнинг пассив стратегиялари сунъий иситиш ва совутишни

АЛЬТЕРНАТИВНЫЕ И ВОЗОБНОВЛЯЕМЫЕ ИСТОЧНИКИ ЭНЕРГИИ

максимал даражада камайтириш учун қилади, шу билан бирга, қиш мавсумида етарли даражада иситишни таъминлаш учун мавсумий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда пассив иситишдан фойдаланишни режалаштириш лозимлигини таъкидлайди, бу эса ўз навбатида ўтиш даврида биноларнинг кизиб кетишининг олдини олишга имкон беради.

Адабиёт

1. Renewable capacity statistics 2023. Report IRENA. <https://www.irena.org/Publications/2023/Mar/Renewable-capacity-statistics-2023>.
2. Черепанова Е.С., Ермакова Л.Н., Шихов А.Н.. Разработка карт распределения биоклиматических индексов на основе данных WorldClim 2. 0 (на примере территории Пермского края) // Научный журнал «Интерэкспо Гео-Сибирь», Россия 2018. - С. 56-62.
3. Ali Shakoор. Analysis of the Role of Natural Environment in the Compatibility of Human Settlements with it “Emphasizing Application of Climate in Esfahan Rural Architecture, Iran”// Australian Journal of Basic and Applied Sciences, 5(12): 1524-1526, 2011.
4. Kasmaei M. Climate and architecture//Soil publication, Esfahan, Iran, 2003, pp: 210.
5. Н.Р. Авезова, Э.Ю. Рахимов, Н.Н. Далмурадова. Динамика изменения температуры наружного воздуха в Узбекистане за последние годы. / VI - Международная научно-практическая конференция “Цели и пути устойчивого экономического развития” Уфа, - С. 31-41, 2021.
6. Saligheh, M. Modeling housing compatible with climate for Chabahar// Development & Geography Journal, 8(12): 66-78. 2004.
7. Avezova N.R., Rakhimov E.Yu., Dalmuradova N.N., Shermatova M.B.. Adjustments to the indicators of the heating and cooling degree-days for regions of the Republic of Uzbekistan// The materials of 2-nd International Conference on Energetics, Civil and Agricultural Engineering (ICECAE 2021), PP. 278-288.
8. ASHRAE, 2009, ASHRAE Handbook Fundamentals, Atlanta, GA: ASHRAE.
9. Givoni, B.,1992, Comfort, climate analysis and building design guidelines. Energy and Buildings 1:11-23.
10. MacPherson, R.K. Thermal stress and thermal comfort. Ergonomics 16, 1973, pp. 1366-5847.
11. Fanger, P.O. Thermal Comfort: Analysis and Applications in Environmental Engineering, New York: McGraw-Hill, 1972.
12. Sayigh, A. and A. H. Marafia. Thermal comfort and the development of bioclimatic concept in building design. Renewable and Sustainable Energy Reviews 2, 1998, pp. 3-24.
13. Olgyay, V.1963, Design with Climate, Bioclimatic Approach and Architectural Regionalism, New Jersey: Princeton University Press.
14. Givoni, B.,1994, Passive and Low Energy Cooling of Buildings. New York: Van Nostrand Reinhold.

15. Singh, A.K., N. Singh, S.P. Singh, and R.L. Sawhney, 2002, Numerical calculation of psychrometric properties on a calculator. *Building and Environment* 37: 415-419.
16. Нестеренко А.В. Основы термодинамических расчетов вентиляции и кондиционирования воздуха. – М.: Высшая школа, 1971, - 460 с.
17. Кириллин В.А., Сычев В.В., Шейндлин А.Е. Техническая термодинамика. – М.: Энергоатомиздат, 1983. - 416 с.
18. Тверской П.Н. Курс метеорология (физики атмосферы). - Л.: Гидрометеиздат. 1962. - 703 с.
19. Акулич И. Л. Математическое программирование в примерах и задачах : Учеб. пособие для студентов эконом. спец. вузов. — М. : Высшая школа, 1986. — 319 с.
20. Амосов А. А., Дубинский Ю. А., Копченова Н. П. Вычислительные методы для инженеров : Учеб. пособие. — М. : Высшая школа, 1994. — 544 с.
21. Avezova, N.R., Rakhimov, E.Y., Frid, S.E. et al. Assessment of the Technical Potential of Photovoltaic Convertors: The Case of the Fergana Valley Part I: Dynamics of Climate Data Changes in the Region. *Appl. Sol. Energy* 58, 697–707 (2022). <https://doi.org/10.3103/S0003701X22600977>.

*Фаргона политехника институти, Тошкент давлат
техника институти ва Физика-техника институтлари
томонидан тақдим этилган*